

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА 21/Р

20 21 йил «21» сентябрь

Урганч шаҳри

РИУСИЯТ Маркази Хоразми олимидан

(муассаса номи)

Ҳусеиниёзов М.С.

(Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)

бир томондан ва Амбир таъминоти олимидан Устав (ишоннома) асосида

(ташкилот номи)

фаолият юритувчи раҳбари Бекжанов А.

(Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини беради.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар хар куни Буюртмачини гаер озиқ овқат етказиб бериши

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 21 йил « 21 » сентябрь дан.

20 21 йил « 31 » декабрь гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли хамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси хамда санитария

қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни

вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи
403 200 000 (Тўрт юз ул миллион етти юз миля) сўм
(сумма сон ва сўз билан)

сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўлади.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда

Ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати.

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»

«_ALISHER TAOMLARI» oilaviy korxonasi	Рес. Ихтисос. Урология Маркази Хоразм филиали
Р/с : 20208000004295156001	Манзили: Ургенч Ш.Тинчлик 29.
Кишлоқ қурилиш банк	Тел/факс: 228 58 53
МФО: 00553	ш/хр:401321860334017073201054002
ИНН: 204759770	ИНН: 206768102 ОКОНХ: 91511
Манзил: Урганч шаҳар Ўзбекистон 25	Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Тел : 97 451-05-01	Ғазна х/в : 23402000300100001010
	Банкнинг номи : Марказий банк
	МФО : 00014 ИНН: 201122919

М.Ў.

Бекчанов А

(Ф.И.О.)



(Имзо)

Ж.С.Жуманиязов

(Ф.И.О.)



ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

Т/р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС <u>0</u> %	Жам сумм ҚҚС била
1.	Январь	10	порц	30 000	370	11 100 000		
2.	Февраль	28/29	порц	30 000	1190	35 700 000		
3.	Март	31	порц	30 000	1188	35 640 000		
4.	Апрель	30	порц	30 000	1188	35 640 000		
5.	Май	31	порц	30 000	1188	35 640 000		
6.	Июнь	30	порц	30 000	1188	35 640 000		
7.	Июль	31	порц	30 000	1188	35 640 000		
8.	Август	31	порц	30 000	1188	35 640 000		
9.	Сентябрь	30	порц	30 000	1188	35 640 000		
10.	Октябрь	31	порц	30 000	1188	35 640 000		
11.	Ноябрь	30	порц	30 000	1188	35 640 000		
12.	Декабрь	31	порц	30 000	1188	35 640 000		
	Шартноманинг жами суммаси	344/345			13 440	403 200 000		

21 январь 2021 йилдаги №21/Р ШАРТНОМАГА

ИЛОВА

Буюртмачи: Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали
Аутсорсер: “Alisher taomlari” оилавий корхонаси

№	Товар ва хизматлар	Кунлар сони	Бемор сони	Нархи	Умумий қиймати
1	Беморларга бериладиган эрталабки нонушта	344	13440	5000	67200000
2	Беморлага бериладиган тушлик	344	13440	13000	174720000
3	Беморга бериладиган кечки овқат	344	13440	12000	161280000
	ЖАМИ:				403200000

ЖАМИ ТЎЛОВГА: Тўрт юз уч миллион икки юз минг сўм

БУЮРТМАЧИ

АУТСОРСЕР



М.П. Ж.С.Жуманиязов
(Имзо, Ф.И.О)



М.П. А.Бекчанов
(Имзо, Ф.И.О)



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Республика ихтисослаштирилган
Урология илмий-амалий тиббиёт
маркази Хоразм филиали
директори Ж.С.Жуманиязов

Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалининг 2021 йил 04 январда тасдиқланган 1-И сонли буйрукига асосан ташкил топган доимий фаолият юритаётган куйидаги таркибдаги комиссиясининг;

№ 7 -сонли БАЁННОМАСИ

«21» январь 2021 йил

Урганч шаҳар

Харид комиссияси таркиби:

Комиссия раиси:	Директор ўринбосари:	Ф.С.Машарипов
Комиссия аъзолари:	Бош ҳисобчи:	Ш.Н.Рўзметов
	Бош хамшира:	У.И.Матқурбанова
	Парҳез хамшираси:	Р.У.Кенисбаева
	Қабул ва диагностика бўлим мудири:	Х.П.Кодиров
	Маъсул котиба:	З.Ш.Саидова

КУН ТАРТИБИ:

1. Эълон бўйича 11.01.2021 йилда Лот № 7073538 билан ўйинга кўйилган аутсорсинг хизматини кўриб чиқиш.
 2. Такдим қилинган оферталарни (пакетларни) очиш ва ўрганиб чиқиш.
 3. Даъвогарларнинг таклифини баҳолаш ва голибини аниқлаш.
- 1.Кун тартибидаги масала юзасидан баҳолаш комиссияси 2021 йил «21» январь соат 10³⁰ да куйидаги оферентларнинг вакиллари иштирокида: «тайёр озик-овқат сотиб олиш» хизмати бўйича талабгорларнинг такдим этилган пакетлари очилди.

№	Талабномани такдим этган ташкилотлар номи	Талабномани такдим этган ташкилотлар ИННси	Почта манзили	Танловда катнашган оферентлар вакилининг исми , шарифи
1	«Urganch Tavallud» хусусий корхонаси	205328372	Урганч шаҳар Аль-Хоразмий кўчаси 36 уй	Атажанов З.
2	«Ilxom Lazzatli taomlari» хусусий корхонаси	305171955	Урганч шаҳар Туркистон кўчаси 4 йўлак 56 уй	Якубов И.
3	«Alisher taomlari» оилавий корхонаси	204759770	Урганч шаҳар Узбекистон кўчаси 25 уй	Бекчанов А.

Ушбу хизмат бўйича талабгорларнинг такдим этилган оферталарни кўриб чиқиш натижасида куйидагилар аниқланди:

«Urganch Tavallud» хусусий корхонаси - хужжатлари тўлиқ ҳажмда такдим қилинган;
«Ilxom Lazzatli taomlari» хусусий корхонаси - хужжатлари тўлиқ ҳажмда такдим қилинган;
«Alisher taomlari» оилавий корхонаси - хужжатлари тўлиқ ҳажмда такдим қилинган;

Танлов комиссияси иштирокчиларининг таклифларини ўрганиб чиқиб, уларни куйидагича эълон қилди:

«Urganch Tavallud» хусусий корхонаси таклиф нархи, - 430 080 000 сўм бажариш муддати 10 кун
«Ilxom Lazzatli taomlari» хусусий корхонаси таклиф нархи, - 451 584 000 сўм бажариш муддати 10 кун

«Alisher taomlari» оилавий корхонаси таклиф нархи - 403 200 000 сўм бажариш муддати 10 кун

Хизматнинг буюртмачи томонидан аниқланган бошланғич қиймати ва муддати пакетлар очилгандан кейин ўқиб эшиттирилди:

- бошланғич қиймати келишилган нархларда - 403 200 000 сўмлик бажариш муддати 10 кун

Баҳолаш комиссияси аъзоларининг фикр-мулохазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда,

Қарор қилади:

«Alisher taomlari» оилавий корхонаси таклиф нархи, -403 200 000 сўм бажариш муддати 10 кунлик таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу офертанг «тайёр озик-овқат сотиб олиш» хизмати ғолиби деб эълон қилинсин.

Овозга қуйиш натижаларига қура:

Тарафдорлар - 5

Қаршилар - -

Бетарафлар - -

2. Буюртмачига танлов ғолиби билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш юқлатилсин.


Баҳолаш комиссиясининг танлов ғолибини баҳолаш баённомаси савдо иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тўғри деб топилди.


Комиссия раиси: Директор ўринбосари:  Ф.С.Машарипов

Комиссия аъзолари: Бош ҳисобчи:  Ш.Н.Рўзметов

Бош хамшира:  У.И.Матқурбанова

Пархез хамшираси:  Р.У.Кенисбаева

Қабул ва диагностика бўлим
мудирлари:  Х.П.Кодиров

Маъсул қотиба:  З.Ш.Саидова

ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ №07/1

«21» январь 2021 йилдаги №21/Р -сонли шартномага

«28» январь 2022 й.

Урганч шаҳар

“Алишер таомлари” оилавий корхонаси кейинги ўринларда «Аутсорсер» деб номланувчи, низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Бекчанов А бир томондан ва Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланувчи низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Жуманиязов Ж.С иккинчи томондан, 2021 йил «21» январдаги №21/Р-сонли шартномага қўшимча туздилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли қарори 2-илоvasи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМнинг 3-боб 11-қисмига асосан Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни кониктирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкинлигидан келиб чиқиб мазкур шартноманинг 1.3-бандида амал қилиш муддати 2022 йил 31 мартгача узайтирилишига келишилди.
2. Шартноманинг қолган шартлари 2021 йил «21» январдаги №21/Р- сонли шартнома асосида юритилади.


Ушбу шартнома иккала томон учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2021 йил «21» январдаги №21/Р- сонли шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Томонларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари:


“АУТСОРСЕР”

“БУЮРТМАЧИ”

“Алишер таомлари” оилавий корхонаси	РИУИАТМ Хоразм филиали
Манзили: Урганч шаҳар Ўзбекистон кўчаси 25 уй	Манзили: Урганч шаҳар Тинчлик кўчаси 29 уй
Тел/факс: 97 451-05-01	Тел/факс: 62 228-60-31, 62 228-58-53
х/р: 20208000004295156001	ш/хр: 401321860334017073201054002
ИНН: 204759770	МФО: 00014
ОКОНХ:	ИНН: 206768102
Банк: Кишлоқ қурилиш банк Хоразм филиали	ОКОНХ: 91511
МФО: 00553	Молия вазирлиги газначилиги
	Ягона газна х/р 23402000300100001010
	Марказий банк Тошкент. ш. ХККМ
	МФО: 00014 ИНН 201122919

М.Ў.  Бекчанов А.
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.  Жуманиязов Ж.С.
(имзо) (Ф.И.О.)

Хуқуқшунос:  Ахмедов М.Н.
(имзо) (Ф.И.О.)

Autorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha namunaviy shartnomaga
ILOVA

ShARTNOMANING PROGNOZ SUMMASI								
T/r	Oylar	Oydagi kunlar soni	O'lchov birligi	Xizmat birligi uchun narx (so'm)	Xizmat birliklari soni	Jami summa QQS siz (so'm)	QQS 0 %	Jami summa QQS bilan
1.	Yanvar	31	услуга	30000	920	27600000	0	27600000
2.	Fevral	28	услуга	30000	830	24900000	0	24900000
3.	Mart	31	услуга	30000	1010	30300000	0	30300000
4.	April	30						
5.	May	31						
6.	Iyun	30						
7.	Iyul	31						
8.	Avgust	31						
9.	Sentyabr	30						
10.	Oktyabr	31						
11.	Noyabr	30						
12.	Dekabr	31						
	Shartnomaning jami summasi	365			2760	82800000	0	82800000